



# 2022 йил — «ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ»

@Xolisnazar

@Xolis\_nazar

www.xolisnazar.uz

# Маҳалла



№ 3  
(2037) 2022 йил  
22 январь

## Янги лавозим жорий этилди: маҳалла ёшлари ҳаётида туб бурилиш бўлади

Ўзбекистон Президентининг куни кеча қабул қилган «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан, эндиликда ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув тизимлари жорий этилади. Улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилиб, ёшлар муаммолари бевосита маҳаллаларда ҳал этилади. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлиги янада оширилади.



ликни тарғиб қилиш борасида – «Заковат» мусобақаси, «Қувноқлар ва зукколар», «Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила», «Хорижий тиллар билимдони» ва «Ёш полиглот» танловлари ҳамда «Мунозара» интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этади.

**Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш** борасида – «Ёш чегарачи», «Ёш қутқарувчи», «Қувноқ стартлар», «Темурбеклар», «Тўмарис маликалари», «Шунқорлар», «Ёш ҳуқуқшунос», «Ёш сайловчи», «Ёш депутат» танловлари ҳамда «Мен ҳам аскар бўлман» акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади.

**Тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш** борасида – «Ўзбекистон учун 100 ғоя» ва «Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори» танловлари, «Биз-несга биринчи қадам» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилади.

**Албатта, юқоридаги тадбирларни Ёшлар етакчисининг бир ўзи ўтказиши имконсиз.** Шу боис уларга Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам кўрсатишади.

Қолаверса, мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ёшлар масалаларида идоралараро ҳамкорлик ва Етакчилар фаолиятига кўмаклашиш учун масъул деб ҳисобланади.

Эътиборлиси, мазкур ҳужжат орқали маҳалла ёшларининг маънавий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан бирга, уларнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш имкони бор. Фақат қарор ижроси кўзбўямачиликсиз, ура-урачиликсиз, тўлиқ, тизимли амалга оширилса бас.

Рустам ЮСУПОВ.

### Маҳаллаларда Ёшлар етакчиси лавозими жорий этилади

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада Ёшлар етакчиси лавозими жорий этилади. Уларнинг асосий вазифалари – «Ёшлар баланси»ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш ҳам уларнинг вазифасидир.

### Кадрлар қаердан, қандай танлаб олинади?

Мазкур қарор билан маҳаллаларда Ёшлар етакчиси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларида маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлимлари ташкил этилади. Уларга мактаблардаги 10 008 нафар ёшлар етакчилари штат бирликларини қисқартириш

«*Мактаблардаги 10 008 нафар ёшлар етакчилари штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар тайинланади.*

ҳисобидан ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар тайинланади. Номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади.

### Ойлик қанча?

Ёшлар етакчисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда белгиланади. Хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида, хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада 5,5 баравари, хонадонлар сони 1000 тадан ортиқ бўлса, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари тўланади.

### Рағбат ҳам борми?

Агар бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бо-

раётган Ёшлар етакчиси бўлса уларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қопланади. Йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга эса ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида субсидия берилади.

Шунингдек, фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган Етакчилар эса «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўкрак нишони билан тақдирланади.

Керақлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 мартга қадар Етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналарини ажратиш, уларни моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер

тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаб беради.

### Асосий фаолияти нималардан иборат?

Маҳаллалардаги Ёшлар етакчиси ўзига бириктирилган маҳаллаларда асосан олтига йўналишда фаолият олиб боришади.

Хусусан, маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида – «Санъат гунчалари» кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича «Ёшлар овози», «Ёш мусаввирлар» танловлари ҳамда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёт фестивалини ўтказилади. Шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади.

Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида – мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этади. Саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда «Ёш эколог» акциясини ҳам ўтказилади.

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида – «Бир миллион дастурчи», «Дастурлашга биринчи қадам» лойиҳаларини амалга оширади ҳамда киберспорт чемпионати ва «Ахборот технологиялари билимдони» танловини ўтказилади.

Маънавият ва китобхон-





Икки йилдан буён давом этаётган пандемия Ўзбекистон олдидан анчадан бери кўндаланг турган масала — ижтимоий ҳимоя тизимини синовдан ўтказиб, соҳада изчил ислохотларни ўтказиш лозимлигини яна бир қарра кўрсатди. Тўғри, юртимизда нисбатан аниқ шакллантирилган ва кенг қамровга эга ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд, аммо умумий аҳолининг аксарият қисми ижтимоий ҳимоя дастурлари билан таъминланмагани ҳам бор гап.



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚАЧОНГАЧА МУАММОЛАР МАРКАЗИДА ТУРАДИ?

### Алоҳида жавобгар тузилманинг ўзи йўқ... (ми?)

Халқаро Меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки асосий диагностик восита (CODI) базасида Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаганди. Тадқиқот ҳозирги кунда **ижтимоий ҳимоя тизими турли вазирлик ва идоралар орасида тарқоқ ҳолда эканини** ва уларнинг ҳеч бири ушбу соҳада координация, интеграция ва ягона давлат сиёсатини амалга оширишга жавобгар эмаслигини кўрсатди. **Натижада ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган стратегия ва ягона қараш мавжуд эмас.**

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимоянинг расмий таърифи қабул қилинмаган. Аҳолининг кўп қисми ҳалигача ижтимоий таъминотга эриша олгани йўқ. **Ижтимоий ёрдам дастурлари етарлича қамровга эга эмас.** Масалан, илгари болалар

нафақалари барча болаларга қаратилган бўлса, бугунги кунда улар фақат кам таъминланган оилаларга йўналтирилади. Бироқ бундай оилаларнинг аксарияти нафақаларни тайинлашнинг жуда қатъий талабларига жавоб берсада, кўп ҳолларда нафақаларни турли сабабларга кўра олиш имкониятига эга бўлмапти.

Юқорида айтилганидек, ихтисослашган дастурларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш бўйича ягона муассаса мавжуд эмас. Мазкур функциялар турли вазирлик ва идораларга тақсимланган, уларнинг ҳеч бири бутун тизимни тўлақонли қамраб олмайди. Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ногиронлиги бўлган инсонларга, «Мурувват» ва «Саховат» уйлари қарайди. Халқ таълими вазирлиги махсус мактаб интернатлари, Меҳрибонлик уйлари қарайди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ногиронлиги бўлганлар-

ни меҳнатга йўналтириш билан шуғулланади. Пенсия жамғармаси эса ногиронлик нафақалари билан ишлайди. Афсуски, улар орасидаги идоралараро ҳамкорлик ҳам суст даражада.

Ижтимоий таъминот тизимининг самарасиз ишлаш сабабларидан яна бири — **ёрдам кимга кўпроқ кераклиги ҳақида маҳалла ҳам, биронта давлат органи ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас.** Ҳар бир давлат ташкилоти ўзининг алоҳида рўйхатини мустақил юритади, ягона тўлиқ тизим мавжуд эмас. Тўғри, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» (онлайн платформа) яратилган ва барча вилоятлар мазкур тизимга қамраб олинган. Бироқ мазкур тизим фақатгина соҳанинг нафақа ажратиш билан боғлиқ қисминигина қамраб олмоқда, холос.

### Тизимни қандай янгилаш керак?

Ижтимоий ҳимоя тизимининг тарқоқлиги охир-оқибат бир хил вазифаларнинг турли идоралар

томонидан такрорланиши, маблағларнинг самарасиз сарфланиши, ижтимоий ҳимоя ва нафақалар билан қамраб олиш даражасининг пастлиги, аҳолининг заиф қатламлари ҳақида ягона маълумотлар базаси ва статистик маълумотларнинг йўқлигига олиб келади. Соҳада ягона идоранинг ташкил этилиши эса **бюджет маблағларининг камида 20-30 фоизини тежаб қолишга** ва уларни бевосита ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга қўшимча тўловлар учун йўналтиришга имкон бериши мумкин.

**Айнан шу орган ижтимоий таъминот олиши керак бўлган фуқароларнинг ягона аниқ реестрига эга бўлиши даркор.** Кўп болали оилалардан тортиб, ёлғиз кексалар, ногиронларгача — барча маълумотлар уларнинг ягона реестрига киритиб борилиши керак. Қолаверса, бундай муассаса тегишли дастурларни самарали мувофиқлаштиради ва бирлаштиради, ҳисобдорлик ва жавобгарликни таъминлашда етакчилик қилади.

Умуман олганда, ижтимоий ҳимоя бўйича ягона давлат органи, мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги каби бирон ташкилот қарамоғида қандайдир тузилмани эслатиб туриши керак эмас. Аксинча, у **ижтимоий ҳимоянинг барча функцияларини ўзида бирлаштирган вазирлик мақомига эга** (масалан, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги) **идоралар устидаги ягона тузилма бўлиши керак.**

Шунингдек, **ижтимоий ҳимоя жамиятнинг барча аъзоларига бутун ҳаёти давомида тақдим этилиши**

**мақсадга мувофиқ.** Бунда унинг ташкилий қисмлари бўлмиш ижтимоий суғурта, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизматлар ва бандлик дастурлари ўртасида алоқалар ўрнатилиши керак. Ижтимоий нафақалар яшаш харажатларига мослаштирилиши, бунинг учун истеъмол саватчаси, яшаш минимуми қонуний тасдиқланиши лозим. Нафақа миқдори яшашнинг базавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилиши керак.

\*\*\*

Юқоридаги фикрларимиз «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент фармони лойиҳасида ҳам акс этмоқда. Жумладан, **2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади.** Бунда ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат органи белгиланади, **ижтимоий суғурта тизими** яратилиб, ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилади. Қолаверса, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни **ижтимоий шартнома асосида** тақдим этиш, ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, номли дафтарларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан **интеграция қилиш** кўзда тутилмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши йиллар давомида муаммолар марказида турган ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожланишига хизмат қилиши тайин.

Санжар ИСМАТОВ.

Хукумат қарори (654-сон, 21.10.2021 й.) билан «Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги **Низом** тасдиқланди.

Низомга кўра, ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (*бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно*) **бола 2 ёшга етгунча уни парваришlash учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугаганидан сўнг болалар нафақасини олиши мумкин.**

Болалар нафақаси оиладаги **болалар сонидан келиб чиқиб** тайинланади. Нафақа **12 ой муддатга** тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича **18 ёшга тўлган ойнинг охирига-**



**ча** тўланади. Моддий ёрдам бола(болалар) сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга **6 ой муддатга** тайинланади.

Оила 2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртacha даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда **кам таъминланган** деб эътироф этилади.



# Ишсизликни қандай камайтириш мумкин?

**Х**удудлардаги ижтимоий-иқтисодий, ҳатто маънавий муаммолар ҳам ишсизлик масаласига бориб тақалади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу нарса яққол кўзга ташланади.

Биламизки, маҳалла фаолларининг кўп вақти оилавий жанжалларни ҳал этишга кетади. Ушбу ҳолатларнинг замирига зимдан назар солсангиз, аксарияти оиладаги етишмовчилик, эр-хотиннинг доимий иш билан банд эмаслигидан келиб чиқади. Пул топмайдиган эр хотиннинг кўзига ёмон кўринади, бекорчи эркак эса турли номаъқул одатларга ўрганади. Қараб-сизки, оиладаги нотинчлик учун шароит юзага келади. Бундан ташқари, ишсизлик жиноятчиликнинг авж олишига ҳам замин яратиши ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, бандлик масаласи яқин йилларда ижобий ечим топиши қийин. Бу иқтисодийнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ. Лекин ушбу вазиятга жим қараб туравериш муаммони чуқурлаштиради, яхши томонга ўзгартирмайди. Шу боис ҳам ҳукумат томонидан бу борада қатор тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хўш, ушбу чора-тадбирларнинг самарали ва изчил амалга оширилиши, маҳаллаларда ишсизликнинг камайиши нимага боғлиқ? Қолаверса, бу борада жамоатчиликнинг, таълим муассасаларининг роли қандай бўлади?

## Миграция сифатини яхшилаш — муҳим талаб

Маълумки, кўплаб юрдошларимиз чет давлатларда мигрант бўлиб меҳнат қилиб юришибди. Туғилган жойи, оиласи, яқинларидан узоқда юриш ҳавас қиларли эмас. Ачинарлиси, аксарияти қора меҳнат орқасидан пул топишяпти. Қолаверса, меҳнат мигранти деган ном ҳуқуқсиз инсон тушунчасини англатадиган бўлиб қолган — хоҳлаган пайтда камситишларга дуч келиши мумкин.

Шу боис ҳам меҳнат мигрантларимизнинг оқимини ривожланган мамлакатларга қараб буриш, ёшларимизни

замонавий касблар билан қуролантириш, хорижий тилларни пухта ўрганишига шароит яратиш хусусида кўп гапирилади. Аммо ушбу натижага осонлик билан эришиб бўлмади аниқ. Бунинг учун илғор мамлакатлардаги имкониятларга қизиқтириш ва ана шу томонга интилишни рағбатлантириш талаб қилинади.

Демоқчимизки, ҳар бир туман ва шаҳарда ёшларни тўлиқроқ даражада қамраб оладиган инновацион марказлар ташкил этилса ва ушбу марказларда бандлик масаласига ечим бўладиган замонавий имкониятлар ҳақида кенгроқ тушунчалар берилса, фақат қора ишларни бажариш қўлидан келадиган мардикорларни эмас, замонавий технологияларга тиши ўтадиган ноёб мутахассисларни шакллантирган бўламиз.

## Инфратузилма ишсизликни камайтиришга кўмак беради

Яна бир жиҳат, бизда кўпроқ барча имкониятлар марказда тўпланган-у, чекка худудларда пул топиш, инфратузилма учун етарли шароит яратилмаган. Аҳолининг пойтахтга қараб интилиши сабаби ҳам шунда.

Экспертларнинг фикрича, 12 та худуддан фақат Тошкент шаҳрига ишчиларнинг келиши тақлифнинг меъёридан ошишига ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа истеъмол товарларига нисбатан коррекциясининг бузилишига сабаб бўлади. Натижада, аҳоли орасида иқтисодий ва ижтимоий нотенглик келиб чиқади. Вилоятлар аҳолисининг пойтахтга интилиши сабаби фақат ишсизлик эмас, қишлоқ жойларда инфратузилманинг талабга жавоб бермаслиги ҳам.

Бу борада Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда синовдан ўтган тажриба мавжуд. Худудларда давлат томонидан инфратузилмалар шакллантирилган, холос. Қолганини иқтисодийнинг ўзи тартибга келтирган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, вилоятларда ҳам пойтахт билан рақобатлаша оладиган инфратузилмани (иссиқ сув, совуқ сув, электр ва газ таъминоти, транспорт



« Болаларда ёшлиқдан бизнес соҳаси ҳақида билим ва тушунчани шакллантириш зарар қилмайди, балки ижобий самара келтиради.

тизими, тиббий хизмат, ўрта ва олий таълим) вужудга келтиришга тўғри келади. Натижада инвестиция киритиш имконига эга қатлам вилоятларга тақсимланади. Бу эса чекка худудларда иш ўринлари шаклланиши ва ишчиларнинг бир қисми вилоятларда ишга ёлланишига олиб келади.

## Ёшлиқдан бизнес ҳақида тушунча ҳосил бўлиши керак

Мақтаб ёшидаги бола ўқишга бормай бозорда у-бу нарса сотиб юрса, дарров танқид қилишга тушамиз. Ахир у ёшлиқдан пул топишни ўрганса яхши эмасми? Келажакда жамиятда ҳам ишсиз, кам таъминланган қатлам қисқаради. Йўқ, ўқувчининг вазифаси биринчи навбатда билим олиш, уни бу машғулотдан чалғитувчи ҳолатларга йўл қўймаглик, айниқса, пулга ўргатмаслик зарур.

Пул деган нарса нафақат болани, катталарни ҳам йўлдан оздириши ҳақиқат. Машаққат чекиб билим олиш билан бизнес орқали пул топиш танлови қўйилса,

барибир пул топиш варианты ўзига тортиб кетиши турган гап. Яъни ўқувчини билимдан совитиши мумкин.

Шунга қарамай, болаларда ёшлиқдан бизнес соҳаси ҳақида билим ва тушунчани шакллантириш зарар қилмайди, балки ижобий самара келтиради. Шу маънода мактаб дастурига бизнес таълимини киритиш мақсадга мувофиқдир. Агар осон пул топиш ҳақида эртақларга эргашиладиган бўлса, жонли ҳаётимизда уларга кўп дуч келиниши маълум. Айни нуқтаи назардан, бу фан пул топиш ҳақидаги янглиш қарашларни тўғри-лаш, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

## Кимўзарлик дабдабада эмас, илмга интилишда бўлсин

Ривожланишимизга тўсиқ бўлаётган энг муҳим омиллардан бири — халқимиз орасида дабдабага, ҳою-ҳавасга ўчликдир. Уй қуришдан тортиб, тўй қилиш, машина олишгача — барча-барчаси кимўзар-

ликка, ўзини кўрсатишга, манманликка қаратилган. Бу иллат ёшу қарини бирдек қамраб олган, десак янглишмаган бўламиз. Эртага ахамиятсиз бўлиб қоладиган нарсаларга бор куч-қувватимизни сарфлаймиз, келажак ҳақидаги қарашларимиз ҳам шундан нари эмас. Айни шу камчилик бизни тўғри мақсаддан, узоқни кўра олишдан чалғитмоқда. Натижада шундай муҳит юзага келганки, илм-фанга қизиқиши, жаҳондаги илғорлашиб кетган халқларнинг ютуқларига ҳавас қилиш, эргашини ёт нарсага айланган.

Вазиятни ўзгартириш учун маҳаллаларда аҳоли ўртасида маънавий тарғибот ишларини кучайтириш талаб этилади. Ушбу масалада барча масъулиятни фақат маҳалла ходимларига юклаб қўйиш адолатдан бўлмайди. Балки уларга бу борада ёрдам бериш барчанинг вазифаси, бурчи ҳисобланади. Фақат жамиятда таъсир кучига эга шахслар, ташкилотлар маҳалла атрофида бирлашиши керак. Бу жараёнда уларнинг вазифаси топишириқ бериш, хўжайинлик қилиш эмас, маҳалланинг сўровига «лаббай» деб жавоб беришдир. Шунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг обрўси ошади, фаолияти самара беради. Худудда яшовчилар маҳалланинг сўзига қараб иш тутишга одатланишади.

Демакки, барча фойдали юмуш билан банд бўлади, келажак учун мустақам пойдевор қўйишга киришади.

Пўлат ТОШТЕМИРОВ.



# ЎЗБЕК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ КИМДИР КЎРЯПТИМИ?

«Танишлар билан гаплашганда, улар яқин ўртада телевизор томоша қилмаганини, кўрса ҳам хориж каналларини кузатишини айтади. Нега десангиз, холислик йўқ бизнинг каналларда дейишади. Яъни, биздаги ТВчилар танқидни ҳам, мақтовни ҳам буюртма ёки оғзаки буйруқ асосида амалга ошираркан. Мақтаса, кўкларга кўтариб юборади, танқид қилса, ерга уриб чилпарчин қилади.

Ростдан ҳам давлат бюджетини сўриб ётган ўзбек ТВнинг қайси канали томошабин учун қизиқ? Инсоф билан айтганда, «Ўзбекистон», «Ўзбекистон тарихи», «Маданият ва маърифат» каналларида изланиш ва интилиш бор, кўрсатувлари ҳам аввалгидек қуруқ ва жонсиз эмас. Аммо бошқа каналларчи? Нега халқимиз давлатдан бир сўм ҳам олмайдиган «Севимли», «Менинг юртим», «Зўр» телеканалларига ўч? Сабабини биласиз, уларда биқиклик йўқ. Тўғри, бачканадан-бачкана кўрсатувлар тиқилиб ётибди, лекин «ярқ» этиб кўринадиган чиқишлар ҳам борки, улар томошабинни ўзига тортиб олмоқда.

Масалан, мен ўн йиллардан бери «Ахборот» кўрмайман. Интернет турганда ТВчиларнинг ўта жўн ва юзаки шарҳларини ким ҳам кўрарди? Уларга эса қизиқ эмас: аудитория борми, йўқми, фарқи йўқ. Тезроқ лавҳани эфирга узатишсаю, бир тийинга қиммат шарҳлари учун отни калласидек гонорар ёздиршиса, бўлди.

Дарвоқе, ТВда гонорар ҳар хил ёзилади: канал директори ва унинг ўринбосарлари, бош муҳаррирлар алоҳида имтиёзларга эга.

**Қизиқ савол: агар давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, бюджетдан пул ажратилмаса, МТРК неча кун яшай олади?**

Маълумот учун: Ўзбекистон МТРКга 2022 йилда 561,4 млрд. сўм маблағ ажратилади. Ўтган йили бюджетдан 427,3 млрд. сўм олинган. Қандай мазза-я, осмондан қўзиқорин эмас, пул ёмғири мана шундай ёғиб турса...

Юқоридагилар бир журналистнинг ижтимоий тармоқдаги махсус гуруҳ-

лардан бирида айтган фикрлари. Буларга ишониш ёки ишонмаслик ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Аммо ростдан ҳам миллий телеканалларнинг аудиторияси борган сари камайиб кетаётгани, давлат кўмагисиз улар бир неча кун ичида «жон таслим» қилиши тўғрисида кўп эшитамиз. Айнан ўзим ҳам телевизор пультадаги миллий телеканаллардан «Ўзбекистон тарихи» ва «Маҳалла»дан ўзгаси белгиланган тугмаларни охириги марта қачон босганимни эслай олмайман. Аммо бундай телеканаллар кўрсатувларидан ўз касбим доирасида фойдали бирор нарса олмаслигим, дунёда ва ўзимизда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида холис маълумотга эга бўлмаслигимни жуда яхши англайман.

Масаланинг иккинчи жиҳати бор. Гап интернет ва мутасаддиларнинг бепи-сандлиги туфайли ҳалок бўлаётган матбуотдан сўнг навбат телевидениега ке-



лаётганида. Тез орада телевидениенинг бюджетга салбий таъсири, барибир ҳеч ким кўрмаётгани, уларни хусусийлаштириш лозимлиги тўғрисида гап-сўзлар чиқиб қолса, бошланаётган ғийбатлар ўзлаштириш бўйича каттагина режанинг бир қисми бўлиб чиқса ҳам ажабланмайман.

Бу ўринда куни кеча журналистлар баҳслари-

да айтилган айрим бошқа иддаоларни ҳам келтириб ўтишни лозим топдик.

«Тинмай, ҳар куни эшит-ягмиз. Анави монопол бунча имтиёзга эга, мана буниси солиқ тўламайди. Учунчиси бюджетдан маблағ олади, Тўртинчиси ва ҳоказо... Кимларгадир шунча имтиёзни қилиб бераётганлар «Гулхан», «Ғунча», «Тонг юлдузи» ва яна бир-иккита нашрни тўғрилаб қўёлмай-дими? Силлиқ қоғозларда, чет элларни кўриб ўхшатиб, сифатли ва фойдали чиқариб қўёлмай-дими? Ҳар бир синфни текин обуна қилиб беролмай-дими? Ёки буларни ҳам хусусийлаштириб, мол-мулки талон-торож бўлишни кутишяптими? (Агар мулки қолган бўлса). Тарож қилишга бошқа ҳеч нарса қолма-дими?», дейди журналистлардан бири.

Журналист Ҳасан Тошхўжаев эса, мажбурий обуна тўғрисидаги иддаоларга нисбатан: «Мен бировнинг ризқидан олиш керак демаймаман. Бугунги кунда ҳамма вазирликнинг жамғармаси бор. Бу жамғармада

тўпланган пуллардан уч-тўрт кишигина наф қўради, холос. Қолаверса, вилоятларда бюджетнинг орттирилган қисми деган гап бор. Оддий туман ҳокими ўринбосари баъзан шу орттирилган қисмдан «Таһое» автомашинасини мингиса келиб қолганини ҳам кўрдик. Хўш, мана шундай бебилиска ишлатилаётган пуллардан ҳар бир тумандаги ҳар битта маҳаллага «Маҳалла», ҳар битта мактабга эса камида 10 нусха «Маърифат» обуна қилдирилса, бунинг нимаси ёмон?! Барибир ҳам бу маблағларни уч-тўртта текинхўрдан бошқа ҳеч ким ишлатаётгани йўқ. Энди газетани ўқитиш анча азоб иш. Бўёғи тахририятларнинг худди «АиФ» ёки хорижнинг илғор газеталари қўллайдиган услубларни қўллай олишига ҳам боғлиқ», — дейди.

Бизнингча ҳам бу суяги, жони бор гаплар. Орасида бизнинг газета ҳам тилга олингани учунгина эмас. Шунчаки анъанавий матбуотни ўлиб бораётгани, жиддий журналистика одамлар тафаккури, онгидаги ўрнини «лақай-лақайларга» индамай бўшатиб бераётгани учун куюниш туфайли. Бу ҳалокат энди телевидениега ҳам соя солаётгани бор гап. Ишониш қийин бўлса-да, умид қиламизки, мазкур соҳаларни назорат қилиб бораётганлар бу гапларга ҳам бир эътибор бериб қўяди.

Шерали ҚИРҒИЗБОВ.

«Тинмай, ҳар куни эшитягмиз. Анави монопол бунча имтиёзга эга, мана буниси солиқ тўламай-ди. Учунчиси бюджетдан маблағ олади, Тўртинчиси ва ҳоказо...



# ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИРОЗ

« Бугун телеканаллар орқали намойиш этилаётган сериаллар ва улардаги тийиқсиз, бепарда лавҳалар кун мавзусига айланган. Жамоатчиликнинг кескин эътирозига сабаб бўлаётган, салбий фикр ва кескин танқидларга учраётган бундай сериаллар борасида аввал ҳам шундай муносабат билдирилган. Аммо «Sevimli» телеканали орқали намойиш этилган миллий сериалдаги ахлоқсизлик саҳналари ҳаммасидан ошиб ўтди.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги дастлабки ўрганиш ишлари олиб борилаётганини маълум қилди. Бундан келиб чиқадиги, агар жамоатчилик эътироз қилмаса ҳамма ЖИМ, кўрса-да кўрмасликка, билса-да билмасликка олиб юраверармиди? Улар кимларнинг эркатойларики, бундай бузқўчилик ва беҳаёликни тарғиб қилишиб, яна ўзлари худди айбсиздек қилган ишни оқлаб ўтиришса? Масалани энг оғриқли ва кўпчиликини қийнаётган жиҳати ҳам шу.

## Сериаллар, ох шаҳвоний сериаллар!

Доим миллий қадрият, маънавият, ор-номус, ҳаё каби тушунчалар атрофида кўп гапиримиз, аммо бугун юздаги барча пардалар кўтарилиб кетди, ҳисоб. Энг ачинарлиси, ўзимиз қизлар юзидаги пардаларни кўтариб, йигитлар юрагидаги орни йўқотиб қўймоқдамиз. Барчасига одатий, оддий ва табиий ҳолатдек қараш шаклланимоқда. Бунга эса бош сабабчилардан бири — телевидениедаги кўрсатув ва сериаллардир. Айнан ана шу кўрсатув ва сериаллар орқали куракда турмайдиган уятсиз мавзулар глобал муаммодек ёритилмоқда. Борича талқин қилинмоқда, уятли мавзулар уятсизларча муҳокама қилинмоқда.

Бу каби кўрсатув ва сериалларни оила даврасида кўриб бўлмайди, деймиз лекин улғайиб келаётган, айнан ўсмирликнинг ўтиш давридаги ёшларни қандай тарзда кўзини боғлаб тура оласиз? Йигирма тўрт соат давомида уларни ёнида ўтирмаганингиздан кейин телеэкрандаги бундай кўрсатувларни кўрмаслигига қафолат бера оласизми? Энг

ажабланарли жиҳати, ўша «ақлли» сериалчиларни ва шундай сериалларни эфирга узатаётганларни уйларида қизи ёки ўғли йўқмикан?

Намойиш этилаётган телесериалларнинг аксариятида ўзбек аёли қўлини пахса қилиб бақираётган, келинни айбини излаётган, ғийбатчи дугоналарини йиғиб бақирчақир қилаётган қайнона, бойлигини эгаллаш мақсадида отаси тенги эркакларга тегиб олмоқчи бўлаётган ахлоқсиз қиз, бировни эрини тортиб олаётган аёллар, кўшхотинлик, урушқоқ келин образида гавдалантирилмоқда. Албатта, жамиятдаги муаммо ва иллатларни киноларга олиб чиқиш зарур. Аммо бунинг учун беҳаёликдан ёки аёлларни таҳқирлашдан фойдаланиш шарт эмас.

Юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган «Хўрланган аёл», «Хўрланган келин», «Сабрия», «Дайди қизнинг дафтари», «Бахт овчиси», «Бепушт» (номларини қаранг!) сериалларида бузқўчилик ва беҳаёлик, аёлларни камситиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу сериаллар олдида хорж сериаллари ҳижолат бўлиб қолмоқда. Гўёки, турмушимизда беҳаёликдан ташқари мавзу куриб қолгандай. Энг ачинарлиси, телеэкрандаги асосий эфир вақтини мана шундай арзон ва сифатсиз сериаллар эгаллаб олишидир.

Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева бу борада ўз фикрларини билдирад экан, ўзбек аёллари бу каби саёз муносабатларга лойиқ эмаслигини таъкидлаб ўтган. Айниқса, аёлларга нис-

батан зўравонлик саҳналари ҳамда исноддан кутулишининг ягона «тўғри» йўли сифатида ўз жонига қасд қилиш лавҳаларининг берилаётганлиги хусусида ўзининг кескин эътирозларини келтириб ўтган. Бугунги аёлларимизнинг энг ўткир ижтимоий дардларини экранларга олиб чиқиш муҳимроқдир. Сабаби кино орқали шу каби муаммолар гирдобиди яшаётган аёлларга кўмак ва мадад бериш соҳа вакилларининг вазифаси.

## Айтишга уяласан бу мавзуларни...

Кўрсатувга танланган мавзуларни кўрмасдан туриб уялиб кетасан одам. «Sevimli» каналининг «Маҳаллада дув-дув гап» ва «Етти ўлчаб», «ZorTV»нинг «Ёр-ёр», «MilliyTV» каналининг «Зарб» кўрсатувларини таҳлил қиламиз. «Маҳаллада дув-дув гап» кўрсатувида «Қайнотам ўз никоҳига олмоқчи эди», «Тўрт марта эрга тегиб ҳам уйсиз қолдим», «Хотинимни хиёнат устида ушлаб олдим», «Ўн олти ёшимда фоҳиша бўлдим» каби мавзулар ёритилмоқда. «Zarb» кўрсатувида эса «Қайнонам эрга тегмоқчи», «Даданинг хотини бор», «Кундошим кун бермайди» каби мавзулар, «Етти ўлчаб» номи психологик кўрсатувнинг деярли барчасида «тўшак» муносабатлари кўтарилган. «Етти ўлчаб» кўрсатувида қандай мавзулар берилиб борилаётганлигини ҳаттоки ёзишни ўзимга эп кўрмайман. Жуда уятсиз, андишасиз вазиятлар ва ҳолатлар кўтарилган. Шунга ҳам аудитория йиғилади, қаҳрамонлар дардини айтади ва психологлар маслаҳатлар беради. Кошки, шу билан бирор-бир муаммо ҳал бўлиб қолса. Ўзи шусиз ҳам бу ҳолатлар ўзбек сериалларининг асосий мавзуларига айланиб улгурган.

Бу кўрсатувларнинг мақсади нима? Улар нима демоқчи? Аёл эрини 35 миллион аҳолига қарата «гей» деса, «қайнотам менга уйланмоқчи» деса, эркак «хотиним хиёнат қилди» деса, «хотинимдан қониқмай фоҳишалар хизматидан фойдаланман» деса ва бу каби кўрсатувлардаги муносабатларни нима деб изоҳлаш мумкин? **Биз қаёққа қараб кетяпмиз? Қани маънавият дарғалари, тарғибот воизлари, динимиз пешволари? Масъуллар қаерга қараяпти?** Биз Европада ва хориждан ўрناق олиб, уларга тақлид қилиб яшашни ўрганишимиз керакми? Аслида бизда асрлар давомида бошқа миллатларга хос бўлмаган оилавий муносабатлар шаклланиб бўлган эмасми? Биз қачон қайнота-қайнонасини ва эрини муҳокама қиладиган келинларни тарбиялашга улгурдик. Қани эркакларимиздаги ор-номус, ғурур. «Ёр-ёр» кўрсатувида бир эркак уялмасдан хотинидан калтак еб юрганини айтгани, 60 ёшли момони эр излаб келгани қайси мантқиққа тўғри келади?

## Агар кучингиз етса, назорат қилиб кўринг

Ҳа-ҳа, НАЗОРАТ қилиб кўринг. Фикр билдириш билан бирор нарса ўзгарганида шу вақтгача жамиятда кўп нарса ўзгариб кетган бўларди. Афсуски, ўзгармаяпти. Демак, эшитмаяпти мутасаддилар. Эшитса ҳам «ит хура, карвон ўтар...» қабилидаги ёндашув кузатилмоқда. Ахир ахлоқсизликка йўғрилган, миллат шаъни ва обрўйига путур етказувчи дастурлар ва сериаллар ҳар куни эфирга узатиляпти-ку, нега керакли ташкилотлар ва мутасаддилар жим? Шунинг учун НАЗОРАТ қилиб кўринг, дедик. Қани, энди бир назорат қилиб кўринг-чи, кучингиз етармикан... Катта ишонч

## БИЛДИРМАСА, МУТАСАДДИЛАР ЖИМ ЎТИРАВЕРАДИМИ?



билан айтиш мумкинки, бунга ҳам кучингиз ЕТМАЙДИ!

Бизда антиқа анъана шаклланган-да. Теледастурларни жиловлаш ёки танбех бериш борасида на Маданият вазирлиги, на «Маънавият ва марифат» маркази, на «Нуроний» жамғармаси, на Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бирор-бир чора қўллагани ҳақида эшитмадик, кўрмадик. Гўёки, ҳеч ким билмайдигандек, кўрмагандек. Аслида бу ҳолат Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига тегишли эмасми? Барча оилавий муносабатлар ўзанини жамият қадриятларига уйғунлаштирадиган ташкилот қаерга қараяпти? Маънавият вазирлиги эса ўз санъаткорларидан ортмайди чоғи. «Маънавият ва маърифат» маркази нима билан банд?

Демак, бир-биримизга ҳалақит бермасдан, «сен менга тегма, мен сенга» тарзида ишлаш тамойилига ўтибмиз-да. Тарбия, маънавият, ифбат тушунчаларидан воз кечарканмиз-да. Тарбияга ота-она масъул, деймизу аммо барчамиз ташқаридаги муҳитга асир, тийиқсиз қилиқларига томошабин бўлиб ўтираверар эканмиз-да. Эр-хотин тўшагидаги барча ҳолатларни тасвирлаб кўрсатишса, муҳокама қилишса, ўғил-қизларимиз билан экрандан узоқлашмай кўраверар эканмиз-да.

БУНДАЙ БУЗҚЎЧИЛИККА КИМ ЧЕК ҚЎЯДИ? КИМНИНГ КУЧИ ЕТАДИ ОЙНАИ ЖАҲОНДАН ФАҲШНИ УЛОҚТИРИБ ТАШЛАШГА?

Шундай дейману яна ўйлаб қоламан. Вазият барҳам топмаса, ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку, тўғрими? Агар шундай бўлса, илтимос, шунақа сериалларни ўзингизнинг фарзандингиз ухлаганига ишонч ҳосил қилган вақтдан кейин эфирга узатинглар, барака топгурлар. Айнан оила билан ўтирадиган вақтда кўрсатилмаса бўлгани, дейманда...

Нилуфар ЮНУСОВА.





Бугун сиёсат саҳнасида тез-тез тилга тушаётган замонавий Польша Республикаси Европа Иттифоқининг тўлақонли аъзоси, ўз миллий манфаатини муҳофаза қилаётган ўртак мамлакатлардан. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина поляклар Ўзбекистонга келиб қолган. Бироқ халқимиз бунинг аниқ сабабларини хунуз билмайди, десак ҳам тўғри бўлади. Биз мазкур мақолада тарихий ҳужжатларга таяниб, Ўзбекистонга бадарға қилинган поляк аскар ва зобитлари тақдири тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

1939 йилни дунё тарихини ўзгартириш бошланган йил, деб аташ мумкин. Шу йили: Совет Иттифоқи ва Германия ўртасида бир-бирига қарши уруш очмаслик битими имзоланади; Иккинчи жаҳон уруши эълон қилинади; фашистлар Германияси 1 сентябрь кунини Польшага ҳужум бошлайди. Бирин-кетин Европа мамлакатларининг ишғоли давом этди.

Фашистлар Польшани босиб олгач, ҳукумат Лондонга кўчиб ўтади. Фурсатдан фойдаланган советлар Биринчи жаҳон урушидан кейин Польшага ўтиб қолган ғарбий Беларуссия ва ғарбий Украинани қайтариб олишга эришади. Асирга олинган поляк ва бошқа миллат вакиллари собиқ Иттифоқнинг Европадан узокроқ ҳудудларига бадарға қилинади. Уларга Ўзбекистондан ҳам махсус танланган макон ажратилади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан дунёдаги халқаро вазият фавқулодда ўзгаради. АҚШ ва Буюк Британия Совет Иттифоқи билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш тарафдорига тушади. Аввало фашистлар Германиясига қарши бирга курашиш ҳамда Польшанинг Лондонда фаолиятини давом эттираётган генерал Владислав Сикорский раис бўлган муваққат ҳукуматни Москва билан муносабатларини яхшилаш чораларини кўришга чақирув тадбирларини ишлаб чиқишга келишиб оладилар.

1941 йилнинг 30 июлида Лондонда Германия фашизмига қарши курашда ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи совет-поляк битими имзоланади. Собиқ Иттифоқ ва Польша ҳукуматлари фашистларнинг

поляк ерларини босиб олгандан кейин Иттифоққа келиб қолган аскар ва офицерлари орасидан ҳарбий бўлиналар тузиш учун розилик билдирилади.

Икки мамлакат ҳарбий кўмондонлари 1941 йилнинг 14 август кунини Москвада Совет Иттифоқи ҳудудида умумий сони 30 минг кишидан иборат поляк армиясини тузишга келишиб оладилар. Ушбу ҳужжатга кўра, аскарларнинг жанговор тайёргарлиги тугаллангач, дивизиялар совет-герман фронтга юборилиши лозим бўлган. Бу мақсадда советлар томонидан ҳарбий лагерлар ташкил этиш учун жой ва фойсиз заём ажратилган.

Ўша йилнинг декабрида Москвага ташриф буюрган генерал Сикорскийнинг музокаралари натижасида совет-поляк декларацияси қабул қилинади. Икки томон жанговор ҳамкорлигини мустақамлаш, шунингдек, Иттифоқ ҳудудидаги поляк армияси контингенти сонини 96 мингга етказишга ахдлашилади. Муҳожиротдаги Польша ҳукумати ва армия генерали Владислав Андерс қурилажак поляк ҳарбий лагерларини совуқ Сибирдан ўлароқ, иссиқроқ ўлкаларга жўнатишни сўрашади. Москванинг қарори билан улар учун Ўрта Осиё танланади.

### Генерал Андерс ким ўзи?

1892 йилда Русия империясида қарашли Варшава губерниясида немис оиласида дунёга келади. Дастлабки таълимни юртида олади, Ригадаги политехника институтини ўқийди. 1913 йилда Россия армиясига хизматга чақирилади, ҳарбий академияни битиради. Биринчи жаҳон урушида қатнашиб, жанговор орденларга сазовор бўлади. 1917 йилдан эътиборан

# ПОЛЯК ГЕНЕРАЛИ



Польша армиясида хизмат қилади...

«Красная звезда» газетасининг 1940 йил 17 сентябрь сонидан босилган «Исторический поход» («Тарихий юриш») сарлавҳали мақолада «1939 йилнинг 27 сентябрдан 28 сентябрга ўтар кечаси кавалерия дивизияси танк дивизияси кўмагида генерал Андерс гуруҳини қуршовга олади. Узок аёвсиз жанглардан кейин гуруҳ бартараф этилади. Генераллар Андерс ва Плисовский, 3 нафар полковник ва 50 дан зиёд офицерлар асирга олинади», деб ёзилади.

Яраланган Андерс Львовдаги госпиталда даволангач, Москвадаги Лубянка қамоқхонасига ўтказилади. Польшанинг муваққат ҳукумати билан муносабатлар яхшилангач, у 22 ойдан сўнг — 1941 йилнинг августида ҳибсдан озод этилади. Муваққат ҳукуматнинг қарори билан совет Иттифоқидаги поляк армиясининг кўмондонини этиб тайинланади ва унга дивизия генерали (генерал лейтенант) унвони берилади.

Сафга қайтган генерал Польша муваққат ҳукумати раиси Сикорский, Москвадаги элчи профессор Кот билан Кремль раҳбари Иосиф Сталин билан бўлиб ўтган музокараларда қатнашади. Андерс бошқа сафдошлари



Муҳожиротдаги Польша ҳукумати ва армия генерали Владислав Андерс қурилажак поляк ҳарбий лагерларини совуқ Сибирдан ўлароқ, иссиқроқ ўлкаларга жўнатишни сўрашади. Москванинг қарори билан улар учун Ўрта Осиё танланади.

ва ватандошлари каби Совет Иттифоқининг 1939 йилдаги мамлакатига босқини тугайди «қизиллар» тарафидан фашистлар Германиясига қарши урушдан воз кечади. 1941 йилнинг январидан генерал Ўзбекистонга келади ва ҳарбий бўлиналмасини Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Вревский (ҳозирги Чиноз туманининг Олмазор) мавзесига жойлаштиришда бош бўлади. Аскарлар казарма ҳолатида кун кечирадилар. Очигини айтганда, полякларга кўрсатилган бундай эътибор остида махсус органлар томонидан уларга нисбатан олиб борилаётган тезкор ишларга шароит ва муҳит яратиш, деб тушуниш даркор. Уларнинг йигин учун жой пойтахтнинг «Националь» меҳмонхонаси танлангани ҳам бежиз эмасди. Бу қўналгоҳда кўпроқ поляк миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилишлари ҳисобга олинган эди.

### Поляк армиясининг Ўзбекистондан кетиш қарори

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон уруш йиллари миллионлаб фронт жабҳаларидан оч-юпун келган фуқароларга бошпана берган, юзлаб фабрика- заводлар бу ерга кўчириб келтирилган. Халқимиз айни шундай муруватни

поляк фуқаролари ва армияси аъзоларига ҳам кўрсатган.

Турли манбаларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши йиллари собиқ Иттифоқ ҳудудига 1-1,5 млн. кишига яқин поляклар мажбуран жойлаштирилган. Ўзбекистонда икки мингдан ошиқ поляклар касаллик, очлик ва турли сабаблар билан вафот этгани маълум (қабрлар қаровсиз қолдирилмаган, улар мамлакатимизнинг ўндан зиёд шаҳарларида бор).

1942 йилнинг баҳорига келиб, муҳожиротдаги Польша ҳукумати совет-герман фронтда фашизмга қарши курашиш фикридан қайтади, генерал Андерс армиясини Иттифоқдан олиб чиқиш ва уни Эронга ўтказиш қарори қабул қилинади. Бу ечимга ҳукумат Буюк Британиянинг маслаҳатига таянган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Инглизлар фашистларга қарши иккинчи фронтни Италия ҳудудидан бошлашни кўзлаётган эдилар. Алақибат поляк ҳарбийларининг 1944 йилда Италияда фашистларга қарши курашда иштирок этишлари бунга далил бўла олади.

1942 йилнинг 18 март кунини Сталин билан олиб борилган узун музокаралардан сўнг Кремль поляк армиясининг мамлакатдан чиқиб кетишига розилик беришга мажбур бўлади. Чунки у СССР ва Польша муносабатлари чигаллашгани



# ЎЗБЕКИСТОНДА НИМА ҚИЛГАН?

сабабли «цугцванг» ҳолатига тушиб қолган эди. «Доҳий» Польша таклифига розилигининг бир неча сабаблари бор эди: 1920 йил 25 майда қизил армия Варшава истеҳкомларидан чекинишга мажбур қилинган эди, уруш поляклар ғалабаси билан тугалланиши ва бошқа турли қарама-қаршилиқлар эсга олиниб, Польша тарафдори Буюк Британия билан муносабатларга зиён етказмаслик илинжи бўлган.

Польша армиясининг мамлакатдан чиқиб кетишига қаршилиқ қилинган тақдирда Буюк Британия билан Гитлерга қарши курашда иттифоқдошлик масаласида оғир муаммо юзага келиши тайин бўлиб қолади. Олдинда иккинчи фронт очилиши каби ўта муҳим масалани ечишда ингизларга таяниш керак эди. Бу пайтга келиб, Иттифоқда 70 мингдан ошди поляк армияси жанговар тайёрликдан ўтиб бўлади.

Британия ҳукумати эса Андерс армиясини кийимбош билан таъминлайди.

1942 йилнинг июлида Андерснинг Ўзбекистондаги кўшини «Шарқдаги поляк армияси» номи олиб, Эронга кўчиш амалларини бошлайди. Поляклардан ташқари, армия сафида хизмат қилаётган украин, белорус ва жужудлар ҳам бор эди. Русларнинг қатъий тазйиқига қарамасдан бошқа миллат вакиллари чикиб кетишига ҳам алалоқибат рухсат олинади. Эрондан кейин армия Фаластин ва Мисрда жойлашади. 1944 йилда бу поляк кўшини Италияни фашистлардан озод этишда қатнашади.

Немис фашистлари билан қақшатқич жанглар кетаётган бир пайтда Андерс армиясини қўллаб-қувватлаб, едирган-ичирган, кийинтирган советларга оғир кунларда кўмак бермай, Иттифоқ ҳарбий кучларини якка ташлаб кетгани асоратсиз қолмайди. Москва билан Лондонда жойлашган Польша муваққат ҳукумати орасига совуқлик тушади...

**Полякларнинг Туркистон билан алоқалари тарихи ҳақида ҳам қисқача маълумот:** XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин, яъни чор Россиясининг бу ҳудудларни босиб олгач, поляклар бу ўлкаларга кела бошлайдилар. 1871 йилда Туркистон генерал губернаторлигининг ҳисоботида Тошкентда 18 нафар поляк истиқомат қилгани айтилади. Аср охирига келиб, Тошкент уездида 2 минг 206 (2074 эркак ва 132 аёл) поляк яшаган. 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон урушининг сентябрь ойидан эътиборан Австрия-

Венгрия ва Германия жангида асир тушган ҳарбийлар ва фуқаролар бу ерга жўнатила бошланади. Ўтган асрнинг 20-йилларига келиб, полякларнинг Туркистондаги умумий сони 910 минг кишига етади.

## Тарихий ҳужжатлар тилга кирганда

Иккинчи жаҳон уруши давом этар экан, Ўзбекистонга келиб қолган поляк ҳарбийлари ва фуқароларининг ичидаги ўй-фикрининг нақадар холислигини билиб бўлмасди. Бу ўша суронли йилларда давлат хавфсизлик идорасининг ҳам масъулияти янада оширилишига сабаб бўлади. Идора ўзининг анъанавий вазибаларини янада пухта ва моҳирлик билан бажармоғи лозим эди: поляк разведкаси ишини парализ қилиш, унга алоқадор поляк ҳарбийларини алоҳида ўрганиш ва генерал Андерснинг ҳақиқий ниятини аниқлаш!

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизматининг истеъфодаги полковниги, Хизматнинг фахрийлар кенгаши аъзоси, тарихчи Худойберди Саҳибовнинг англантишича, уруш йиллари хавфсизлик идорасига айрим манбалар, фуқаролардан поляк ҳарбийлари томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани тўғрисида хабарлар тушиб туради. Аниқланишича, уларнинг аксарияти олтин, қимматбаҳо тошлар, чет эл валютаси сотиб олиш тараддудида бўлса, бошқалари Совет Иттифоқидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилаётган завод-фабрикалар тўғрисида ва бошқа маълумотларни тўплашдан иборат эди.

Тошкентнинг «қора бозори»да катта миқдорда чор Россияси даврида зарб этилган олтин тангаларни сотиб олаётган пайтда пул ва бойликка ўч Польша фуқароси Зигмунд Корецкий қўлга олинади. Мусиқачи бўлган бу инсон мамлақати фашистлар томонидан босиб олингач, 1939 йилнинг кузида Тошкентга келиб қолади. Суриштирув давомида олтин тангаларни Андерс қароргоҳида ишлайдиган полковник Михас Тронбицкий топшириғига биноан харид қилганини айтади.

— Хавфсизлик идораси ходимлари у билан узоқ суҳбатлар оқибатида мусиқачи чекистларга муҳим сирни ошкор қилади, — дейди **Х.Саҳибов**. — У Андерс армиясининг Яқин Шарқ мамлакатларидан бирига кўчириш тўғрисида иш олиб борилаётганини гапириб беради, шунинг учун қимматбаҳо пул, буюм, тош ва валю-

таларни сотиб олишга зўр берилаётганини таъкидлайди. Бу ишда поляк армиясида расмий қайддан ўтиб хизмат қилаётган эски полиция ходимлари, артисткалар ва помещиклар фаоллик кўрсатишади.

Тарихчи домлаиз яна Польша армияси офицери Франтишек Збавицкийнинг хатти-ҳаракатлари хавфсизлик хизмати ходимларининг эътиборини тортгани тўғрисидаги мисолни айтиб берди. Доим замонавий кийим кийиб юрадиган офицер Польша фуқаролари тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланади.

— У ўзининг ишончли одамлари орқали Ўзбекистонда истиқомат қилаётган поляк миллатига мансуб инсонларнинг исм-фамилиялари, мансаби, ёши, келиб чиқиши ва уларнинг мақсад ва интилишларини ўрганади. Уларнинг сиёсий кайфиятига алоҳида эътибор беради. Мақсад — Эронга чиқиб кетаётганда адашган полякларни саралаш эди. Андерс армиясини қўлламайдиганларни ҳеч иккиланмасдан Тошкентда қолдириб кетиши керак эди. Қалин бир дафтарда полякларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва уларга ёзилган тавсифнома-лар қўлга киритилади...

Худойберди Саҳибович Казимир Матуйский билан боғлиқ қизиқ ҳикояни кулиб куйидагиларни гапириб берди.

Худойберди Саҳибович Казимир Матуйский билан боғлиқ қизиқ ҳикояни кулиб куйидагиларни гапириб берди.

Маълум бўлишича, шаҳар ҳаммомига борган офицер бўш хона (у пайтда бир-икки кишилик ва кўпчиликка мўлжалланган хоналардан иборат эди) тополмайди. Омади чопиб унга бир «саҳоватпеша» инсон ўзининг хонасидан жой беради. Аммо бир дақиқа ўтар-ўтмас, у хонани тарк этади. Ҳаммомчига: «Уйимда электрплитани ўчиришни унутибман, ҳозир эсимга тушиб қолди», дея шошиб чиқиб кетади.

Узоқ куттирмай, Матуйский

хонада сув тугаб қолгани тўғрисида бақриб, эшикни роса тақиллатади. Ҳаммомчи ҳам «ҳозир водопровод устасини чақираман», деб овоз беради. Бироз ўтмай, унинг хонасига «усталар» — икки нафар хавфсизлик хизмати ходимлари кириб келади. Ҳаммомда учрашув ўтказаман, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмайди ва шу билан контразведка ходимларини чалғитаман, деб режа тузган Матуйскийнинг ўзи тузоққа тушиб қолади.

Яна бир воқеа: аёллар кийимини тикадиган Гурген Амаякович Абрамян Тошкентда жуда машҳур бўлган. Уста аёллар учун фақат пальто, плашч, ҳар замонда костюм таркар эди. Мизожлари ҳам ўзига яраша мўл бўлган.

Бир куни рус тилини мукамал биладиган поляк офицери Войтек Лишинский устанинг хузурига келиб, ўзи ва капитан Ян Вержбицкий учун устахонасидан ҳар замонда «дўстлари» билан учрашиб туришга изн сўрайди. Бунинг эвазига маълум мукофот олишини эшитган Гурген уста дарҳол розилик беради. Устахонада турли одамлар билан бўлиб ўтадиган суҳбатлар чоғида Ўзбекистонда янги ишга туширилган заводларда ишлаб чиқарилаётган мудофаа қуроллари, ҳарбий ташкилотлар, ҳарбий кўшинларнинг ҳаракатлари тўғрисида махфий маълумотлар тўпланади эди.

1942 йилнинг ёзида генерал Андерс армияси Эронга кетар пайтда уста Гергени мижозлари тополмай, овора бўладилар. Роса сарсон бўлгач, охири милицияга хабар беришади. Эшикни бузиб очган ходимлар Герген Абрамяннинг жасади билан қаршилашади. Экспертиза унинг уч-тўрт кун олдин бўғиб ўлдирилгани тўғрисида хулоса беради. Хонасидан эса яшириб қўйилган катта миқдордаги бойликлар ўғирлаб кетилгани ошкор этилади.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1946 йилда жиноят қидирув бўлимига биринчи шаҳар касалхонасидан телефон кўнғироғи бўлади. Ўлим тўшагида ётган бемор кутилмаганда малакали милиция ходими билан

учрашиши ва унга муҳим воқеани гапириб бериши кераклигини айтади. 1897 йилда Белоруссияда туғилган, поляк миллатига мансуб Юсеф Янович Якубович врачларнинг «сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас», деган танбехларига қарамасдан узун ҳикоясини милиция ходимларига қисқа қилиб айтиб беради.

Андерс армиясида ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган кезлари Якубович Лешинский ва Вержбицкийларни Янгийўлдан Тошкентга тез-тез олиб келиб туради. Улар фуқаро кийимида келиб, устахонага кириб-чиқиб туришларидан хабари борлиги ва улар Ўзбекистондан кўчиб кетишгач, Герген уста ательесидида мурдаси топилгани тўғрисидаги хабарни эшитади.

Бу маълумот республика давлат хавфсизлик вазирлигига етказилади. Бу жиноят поляк агентурасининг иши экани маълум бўлиб, устани рақиблар томонидан ўлдиргани аниқланади. Якубович эса жиноят ташаббускорларининг ҳаммасини билган-таниган. Шунинг учун поляк қотиллари гувоҳни йўқ қилишган.

Уста Абрамяннинг ўлимидан сўнг банкда йигирма минг рубли қолиб кетади. 1945 йилда уруш тугагач, банк ходимлари уч-тўрт йилдан бери бу пулларнинг ҳаракатланмаётганидан ҳайрон бўлишади. Суриштиришса Герген Абрамян номига очилган банк ҳисоб-рақами эгаси уч йил аввал вафот этган. Икки банк ходими ўзаро жиноий тил бириктириб, устанинг пулини ўзлаштириб олишади. 1946 йилда эса Юсеф Якубовичнинг ҳикояси туфайли улар қилмишларига яраша жазо олишади.

\*\*\*

Биз юқоридаги фикрларимиз орқали бирор бир томонни ёмонлаш ёки уларга тавқий-лаънат ёпиштириш фикридан йироқмиз. Совет иттифоқи ва Польша ўртасида Иккинчи жаҳон уруши даврида бўлиб ўтган воқеаларни эслатиб ўтдик, холос. Қолаверса, янги замон, янги давр ҳукм сураётган ва дунёқарашлар тубдан ўзгарган бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасида икки томонлама самимий муносабатлар ўрнатилган, бу алоқаларнинг тобора юксалиб бораётганини таъкидлашни истардик.

Аброр ҒУЛОМОВ,  
халқаро шарҳловчи.



Ҳаммомда учрашув ўтказаман, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмайди ва шу билан контразведка ходимларини чалғитаман, деб режа тузган Матуйскийнинг ўзи тузоққа тушиб қолади.



# МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТУГАТИЛСА...

ота-онасиз болалар тақдири нима бўлади?

« Яқинда машҳур тадбиркор Мурод Назаровнинг 9 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини фарзандликка асраб олгани тўғрисидаги хабар катта шов-шувга айланди. Аввалроқ Тошкент шаҳридаги 21-сонли Меҳрибонлик уйида фаолият юритиб келаётган Умида Турдалиева ҳам шундай ишга қўл урганди.

Наманган ва Навоий вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларидаги барча тарбияланувчилар фарзандликка олингани учун бу муассасалар фаолияти тўхта-тилган.

Мутасаддиларнинг тахмин қилишича, вазият шу тарзда давом этса, келгусида Ўзбекистонда Меҳрибонлик уйлари фаолияти тугатилади.

Хўш, у ҳолда ота-онасиз қолган болалар тақдири нима бўлади? Улар қаерга жойлашади? Ахир бугун мавжуд Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари фарзандликка олингани, келгусида шундай болалар учрама-лигини билдирмайди-ку.

## Оилавий болалар уйлари ташкил этилади

Давлат раҳбарининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегия-сини «Ёшларни қўллаб-қувват-лаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони асосида фарзандликка олиш амалиё-тини ўрганиш ва бу бўйича ҳу-қуқий асосларини қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилганди.

Меҳрибонлик уйларига Миллий гвардия асосий ҳомий этиб белгилангани эса соҳада ўзгаришларга сабаб бўлди.

Мамлакатимизда Президент ташаббуси билан ташкил этила-диган Оилавий болалар уйла-рида боланинг устини бутлаб, қорнини тўйдирив ва ўқитиш билан чеklangилмайди, балки том маънода боланинг бошини меҳр билан силаш, яъни чина-кам меҳрибон ота-она қўллари-ни ҳис этишга имкон яратилади.

Меҳрибонлик уйлари эса истаимизми-йўқми, катта бир

муассаса, қанчалик яхши шароит бўлса ҳам, болага қанчалик эътибор берилса ҳам, бу маскан барибир оила бўла олмайди. Қо-лаверса, бундай муассасалардан чиқаётган вояга етган шахслар-нинг жамиятга қўшилишида доим муаммо бўлган. Миллий гвардия ходимлари кейинги 11 йил давомида Меҳрибонлик уйларида тарбия топган 19-30 ёш ораллиғидаги шахслар ҳаётини ўрганиб, таҳлилдан ўтказганда 3 минг 637 нафар тарбияланувчи мустақил ҳаётга қадам қўйгани, лекин уларнинг 2,5 мингдан ортиси турмуш қурмагани, 1 минг 473 нафари ишсиз, 347 нафари чет элга чиқиб кетгани, 22 нафари вафот этгани ҳамда 43 нафари жиноий жавобгарликка тортил-гани маълум бўлган. Бу уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйгач ёлғизланиб қолаётгани, ижтимоий адаптация жараёни оғир кечаётганини кўрсатиб турибди.

Оилавий болалар уйи амалиё-тининг кенг жорий этилаёт-гани эса ана шу муаммолар бар-ҳам топишига замин яратади.

## Меҳрибонлик уйлари боланинг ақлий ривожланишига ҳам зарар

Илмий тадқиқотлар нати-жалари шуни кўрсатмоқдаки, институтлаштириш болалар-нинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу салбий таъсир болалар муасса-салари барча талабларга жавоб берган ва яхши молиялашти-рилган тақдирда ҳам, кузатили-ши мумкин.

Жумладан, ота-онасининг доимий ғамхўрлигини ҳис этган гўдак ишончли ҳимоя ва ғамхўр-лик остида эканлигини тушу-нади. Меҳрибонлик уйларида улғайиш болаларнинг ақлий ри-вожланишига жуда ҳам зарарли



экан. 2000 йилларда Руминияда ўтказилган Бухарест лойиҳаси доирасидаги — эрта аралашув тадқиқотининг натижаларида илк бор тасодифий танлов услу-бида 6-31 ойлик 136 нафар етим боланинг ярми болалар уйидаги гуруҳда қолдирилиб, ярми ту-тинган оилаларга тарбияланиш учун жойлаштирилган.

Оилада тарбияланган бола миясининг ЭЭГ тасвирида нев-рологик фаоллик жуда юқори, айниқса миянинг олд қисми йўналиши бўйича: қизил ва тўқ сариқ рангдаги соҳалар бола миясининг жуда фаол эканлиги-ни кўрсатди. Муассасада тарбия-ланган боланинг мияси эса жуда сустривожланаётгани кўрилган. Муассасада ўтаётган ҳар 3 ойда бола 1 ойга ривожланишдан орқада қолади, қанча кўп вақт қолса, унга шунчалик катта зарар етади ва ривожланишдан орқада қолишни бартараф этиш имко-ниятлари шунча кам бўлади.

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳрибонлик уйла-рида тарбияланган барча ёшдаги болалар жуда кўп тажовуларни бошдан кечиришади. Жумладан, улар жисмоний ва жинсий зўра-вонлик, ғамхўрликнинг йўқлиги, шунингдек, одам савдоси ёки эксплуатациянинг бошқа кўри-нишларидан азият чекиш хавфи остида бўлишади. Бунга биргина Марғилондаги меҳрибонлик уйидаги аянчли воқеа яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг

тўсатдан катта ҳаётга ўтиши уларнинг ижтимоий яққаланиб, уйсиз ва ишсиз бўлиб қолиши, жиноятчига айланиш, руҳий са-ломатлигининг бузилишига олиб келиши ва улар ҳаттоки ўз жони-га қасд қилишгача олиб бориши мумкинлигини кўрсатди.

Қолаверса, болалар уйлари жуда қимматга тушади. Дав-латимиз битта болани болалар уйида боқиш ва тарбиялаш учун тахминан 10 миллион сўм маблағ сарфлайди, иш ҳақи жамғармаси, коммунал хизматлар ва болалар уйининг биноларини сақлаш харажатлари бундан мустасно. Аммо молиявий ва маънавий зарарни таққослаш қийин.

## Оилавий болалар уйлари қандай ташкил этилади?

Шу ўринда оилавий болалар уйлари қандай ташкил этилади, деган савол туғилади. Тартибга кўра, оилавий болалар уйи туман(шаҳар) ҳокимининг қарори билан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади. Оилавий болалар уйини ташкил этишни хоҳлаган эр-хотиннинг тегишли аризаси, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга ет-маганлар ишлари бўйича туман-лар ва шаҳарлар идоралараро комиссиясининг (кейинги ўрин-ларда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия деб аталади) эр-хотиннинг тар-биячилар — ота-оналар бўлиши ва болаларни тарбия қилишга

олиши имконияти тўғрисидаги ҳулосаси туман (шаҳар) ҳокими-нинг қарори қабул қилиниши учун асос ҳисобланади.

Оилавий болалар уйи ташкил этишни хоҳловчи эр-хотин ўзи-нинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризани топшириш вақтида эр-хотиннинг шахсини тасдиқ-ловчи ҳужжат кўрсатилади. Эр-хотин шу асосида, 5 тадан 10 тага-ча бола асраб олишлари мумкин. Бунинг учун низомга кўра, эр-хо-тиннинг ўзини ҳам фарзандлари бўлиши, яъни бола тарбиясида тажрибага эгаллиги ҳам ҳисоб-га олинади. Оилавий болалар уйини очган эр-хотинлар шу уйдаги болаларнинг тарбиячиси, яъни ота-онаси ҳисобланишади. Уларнинг болаларни тарбия-лаш билан боғлиқ фаолияти иш ҳақи билан рағбатлантирилади ва меҳнат стажы белгиланади. Албатта болаларнинг таъминоти учун давлат томонидан молия-вий қўмак бериб борилади.

Агарда боланинг тақдирини ўйинчоқ қиладиган бўлса, қа-ровсиз қолдирса, ота-оналарга қўйиладиган жавобгарлик каби фарзандликка олган шахсларга ҳам жавобгарлик бор. Ҳозирги ҳолатда болага нисбатан жиноят учун, албатта ички ишлар ҳамда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари томонидан те-гишли чоралар қўлланилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

# Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Администрацияси  
хузуридаги Ахборот  
ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири  
**Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zguisi» журнали муҳаррири  
**Рустам ЮСУПОВ**  
Саҳифаловчи:  
**Илҳом БОЛТАЕВ**

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета  
таҳририят  
компьютер  
марказида  
саҳифаланди ва  
офсет усулида  
босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри,  
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 2 босма табоқ. 4500 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-118 1 2 3 4 5 6